

ГЕРМАНИЯДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ишанходжаев Саидахмад Акрамович

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари
ва парламент тадқиқоти институти бўлим бошлиғи

E-mail: Saidaxamdxon 76 @ mail.ru

Рахманов Шухрат Наимович

Юридик фанлар номзоди, доцент

E-mail: shuxratjon@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар томонидан қабул қилинган Директивалар ва Германиянинг миллий қонунчилиги ҳамоҳанг такомиллаштирилиши натижасида юз берган ўзгаришлар ва мигрантларга ҳукумат томонидан яратилган шароитлар ва охириги йиллар ичида миллий қонунчилик такомиллаштирилиб бориши динамикаси таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Директива, қонун, шартнома, мигрантлар, қочоқлар, бошпана сўраётган шахслар, учинчи давлат фуқаролари.

ХАРАКТЕРИСТИКИ УПРАВЛЕНИЯ МИГРАЦИОННЫМИ ПРОЦЕССАМИ В ГЕРМАНИИ

ИШАНХОДЖАЕВ Саидахмад Акрамович

Начальник отдела Института проблем законодательства и
парламентских исследований при Олий Мажлисе

Республики Узбекистан, кандидат юридических наук

E-mail: Saidaxamdxon 76 @ mail.ru

РАХМАНОВ Шухрат Наимович

Кандидат юридических наук, доцент

E-mail: shuxratjon@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются изменения, произошедшие в результате гармонизации Директив, принятых государствами-членами ЕС, и национального законодательства Германии, условия, созданные

правительством для мигрантов, и динамика совершенствования национального законодательства за последние годы.

Ключевые слова: Директива, закон, договор, мигранты, беженцы, лица, ищущие убежища, граждане третьих стран.

CHARACTERISTICS OF MIGRATION PROCESS MANAGEMENT IN GERMANY

ISHANKHODZHAEV Saidakhmad

Head of Department, Institute of the problems Legislation and parliamentary
Research under Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan E-mail:

Saidaxamdixon 76 @ mail.ru

RAKHMANOV Shukhrat

Candidate of legal sciences, Associate Professor

E-mail: shuxratjon@gmail.com

ABSTRACT

The article analyzes the changes that have taken place as a result of the harmonization of the Directives adopted by EU member states and German national legislation, the conditions created by the government for migrants and the dynamics of improvement of national legislation in recent years.

Keywords: Directive, law, contract, migrants, refugees, asylum seekers, third country nationals.

КИРИШ

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тизимида миграциявий жараёнларни тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, хусусан мигрантлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар давлатлар томонидан қабул қилиниши ва унга амал қилишида ва уларга нисбатан инсон ҳуқуқлари соҳасида алоҳида тоифадаги субъект сифатидаги мақоми юзасидан ёндашишида кўришимиз мумкин.

Миграциявий жараёнларни тартибга солишни ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи нуқтаи назаридан тадқиқ этадиган бўлсак, халқаро мигрантлар ҳуқуқларига доир халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга аъзо бўлган давлатларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришлари ва миллий ҳуқуқ тизимини

ҳалқаро андозаларга мос равишда такомиллаштириб боришлари муҳим ҳисобланади.

Халқаро миграцияни тартибга солишда давлатлар сиёсати даражаси, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қабул қилувчи ва етказиб берувчи мамлакатлар манфаатлари ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Давлат миграциявий жараёнларни “тартибга солувчи” субъект сифатида чет эл фуқароларига нисбатан виза сиёсатини, яшаш учун рухсатномалар, турли тақиқ ва чекловлар ўрнатади ва аҳолидан мавжуд нормаларга риоя қилишни талаб қилади. Чет эл фуқаросининг янги жамиятдаги ўрни ва унинг бу ерда муваффақияти қабул қилувчи мамлакат фуқаролари даражасига тенг ёки мутаносиб ҳуқуқий мақомга эга бўлиш имконияти орқали белгиланади. Ушбу мақомни бериш қабул қилувчи давлатнинг мутлақ ваколатидир.

Ушбу масала тўғрисида фикр юритар эканимиз, Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлардан хусусан, Германиянинг миграция сиёсати ва унга оид амалдаги қонунчилигини ўзига хос жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, Германияда миграция сиёсати кўп жиҳатдан мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида устувор вазифалардан бири эканлиги, иккинчидан эса, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларга мигрантларнинг келиб кетиш масалалари бўйича ташаббуслар охириги йилларда айнан Берлин томонидан илгари сурилаётганлигидир

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Германия учун Европа Иттифоқининг миграция соҳасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Хусусан, (Европа Иттифоқи Комиссияси ва Парламентнинг актлари ва директива)лари, хусусан, 2009 йилнинг 25 майдаги “Учинчи шахсларнинг кириши ва бўлиши учун шарт-шароитлар ўрнатиш тўғрисида”ги Директива [1] ва 2009 йил 18 июндаги “Ноқонуний бўлган учинчи давлат фуқароларининг иш берувчиларига нисбатан санкциялар ва чораларнинг минимал стандартларини белгилаш тўғрисида”ги Директива[2]си, миграция ҳаракатларини тартибга солувчи, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори малакали меҳнат қилишига оид Германия миграция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган Федерал идоралари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ва бошқалар.

Германияда миграция жараёнлари икки томонлама (ҳукуматлараро) ва кўп томонлама (ҳалқаро) шартномалар ҳамда декларациялар асосида тартибга солинади.

2000 йилдаги Германиянинг “Фуқаролик тўғрисида”ги Қонунида фуқароликни олиш тамойиллари хусусан, қон ҳуқуқидан тупроқ ҳуқуқига ўзгартирилди. Бу янгилик бевосита мигрантларнинг интеграцияси билан боғлиқ бўлиб, Германия фуқаролигини олиш учун этник немис аждодларига эга бўлиш шарт эмаслиги белгиланди.

2005 йилдаги “Иммиграция тўғрисида” ги қонунида чет элликларнинг бўлиши ва ишга жойлашиши ҳамда интеграцияси ва марказлашган миграция сиёсатини амалга ошириш масалалари Миграция ва қочоқлар бўйича Федерал хизмати юрисдикциясига ўтказилди. Шунингдек, 2004 йил 29 апрелдаги Европа Иттифоқи фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларининг унга аъзо-давлатлар ҳудудида эркин ҳаракатланиш ва эркин яшаш ҳуқуқи тўғрисидаги Директива[3]си қабул қилиниши натижасида эркин ҳаракатланиш режими жорий этилди.

“Чет элликларнинг Германия Федератив Республикаси ҳудудида бўлиш, ишга жойлашиш ва интеграциялашуви тартиби тўғрисида” ги Қонун 1965 йилда бери амалда бўлган “Чет элликлар тўғрисида”ги Қонунни ўрнига қабул қилинди [4].

Унда, Европа Иттифоқига кирмайдиган давлат фуқароларига нисбатан кириш ҳужжатларни (визаларни) бериш тартиби белгиланди.

Шунингдек, Европа Иттифоқига кирмайдиган давлатлар фуқароларига кириш ҳужжатларини (визаларни) бериш тартибининг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Мамлакатда яшаш учун ҳужжатларни тақдим этиш (масалан, ўқиш, даъволаниш, бошпана излаш) тартиби ва оилани бирлаштириш тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, бўлиш режимини бузганлик учун жазо чоралар тизими жорий этилди.

Ҳужжатда Германия ҳудудида бўлиш вақтини белгиловчи мезонлар ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олиш тартиби ва чет элликлар ҳамда кўчиб келганлар учун махсус интеграция курсларида қатнашиш зарурлиги мустаҳкамланди.

Миграция ва қочоқлар бўйича федерал идора маълумотларига кўра, мамлакатдаги кўпгина таълим ташкилотлари ушбу дастурни амалга ошириш ваколатига эга.

Ҳужжатда ҳорижликларнинг бўлиш тартиби қатъийлаштирилди: (масалан, тўрт турдаги яшаш учун рухсатнома ўрнига икки тури хусусан яшаш учун рухсатнома ва вақтинчалик яшаш ҳуқуқи билан алмаштирилди. Ҳужжатда реадмиссияни амалга ошириш жараёни тавсифланади. Ишлаш имкониятини

амалга ошириш учун рухсатномалар Федерал Меҳнат агентлиги кўмагида Миграция ва қочоқлар бўйича Федерал идора томонидан берилади.

Кўриб чиқиладиган қонуннинг аҳамияти шундан иборатки, у миграция ва интеграция сиёсатининг бошланишига ҳамда мамлакатда бўлиш ва эмиграция ёки чет элга чиқиш ва гуманитар ҳуқуқининг бошқа муҳим қоидалари билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, иқтисодий мигрантлар (меҳнат мигрантлар)нинг меҳнат бозорида меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби белгиланди. Бу эса, Германия ҳукумати томонидан чет элликларни мақсадли интеграциялашув сиёсатини олиб бориш имкониятини берди.

Қонунда биринчи марта тилга олинган интеграция курслари орқали чет эл фуқароларининг мезбон жамиятга сингиб кетишига ёрдам бериш режалаштирилди. Ушбу мигрантлар учун мўлжалланган адаптация дастурларини таълим контекстида кўриб чиқадиган бўлсак, улар икки босқидан иборатдир:

Биринчи босқич, (Ҳуқуқ асослари, Маданият, Германия тарихи) ҳамда немис тили курси ўқилади. Иккинчи босқич, тил курслари қуйидагиларга бўлинади: мақсадли аудитория (масалан, аёллар ёки кечки кўчиб келганлар)га ва немис тилини паст даражада биладиган ва доимий равишда давлат ҳудудида истиқомат қилаётган ва меҳнат фаолиятини амалга оширмаётган мигрантлар учун (ўқиш муддати давомида давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилади).

Ушбу ўқув курсларида лингвистик компетенция билан ўлкшунослик кўникмаларни оширишга қаратилган. Ўқув курслари мигрантларни мазкур жамиятда интеграциялашувини амалга оширишда марказий элемент сифатида қаралмоқда.

Немис тадқиқотчиси С.Лохнернинг таъкидлашича, курслар нафақат янги келганларни жамиятга интеграциялаш элементлари сифатида, балки узоқ муддат давомида мамлакатда истиқомат қилаётган мигрантларни ҳам мослаштириш воситаси ҳисобланади [5].

Фикримизча, интеграция курсларини амалга оширишда бир қатор камчиликлар мавжуд:

Биринчидан, ўқув курсларининг базавий босқичи тўлиқ бюджет ҳисобидан қопланиши асосий инвестор сифатида маҳаллий солиқ тўловчилар томонидан норозиликлар билдиришларига сабаб бўлаётганлиги;

Иккинчидан, ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки мигрантларнинг ўқув курсларида иштирок этиш мотивацияси даражаси пастдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, дарс жараёнига тўлиқ иштирок этмаслик ёки фанларни тўлиқ ўзлаштирмаслик ва имтиҳонларни топшираолмаслик ижтимоий тўловларни тўланилиши тўхтатилишига ёки камайтирилишига олиб келмаслиги ва ҳозирги кунда кўпгина чет эллик фуқаролар давлат ҳисобидан яшаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, мотивация йўқлигидан далолат бермоқда.

Учинчидан, ўқув курсини битирган ўқувчиларга **B1** тил билиш даражаси тўғрисидаги сертификатни берилиши аксарият ҳолатда ишга жойлашиш учун етарли эмасдир. Шу муносабат билан кўпгина иммигрантлар ўқув курсини ташлаб якуний имтиҳонни топширишдан бош тортмоқдалар.

2007 йилда Федерал ҳукумат томонидан интеграция механизмларини такомиллаштириш мақсадида миллий интеграция режасини қабул қилди.

Мазкур ҳужжатда интеграциянинг асосий элементи бўлган чет тилини ўрганиш орқали мослашишга ва мактабгача таълим даражасида ўйин орқали тилни ўрганиш концепциясини амалга оширишга муҳим ўрин белгиланган.

Федерал ҳукумат томонидан “Болалар таълим муассасаларида тил” дастурини амалга ошириш доирасида иммигрант оилаларининг вояга етмаган вакилларига тил ўрганишда ёрдам бериб келинмоқда.

Мамлакатга янги кўчиб келган қочоқларнинг болалари учун бирламчи жойлаштириш пунктларида ўқиш, ёзиш ва нутқий мулоқот кўникмаларини эгаллашга кўмаклашиш мақсадида ўқитувчилардан иборат медиа марказлар очилган.

2016 йилдан бошлаб ушбу тоифадаги ёшларни жалб қилган ҳолда Федерал Таълим ва тадқиқот вазирлиги, Федерал Меҳнат агентлиги ва Германия хунармандлар марказий уюшмаси кўмагида “Қочоқлар учун таълим йўллари” дастури амалга оширилмоқда.

2019-йилги ЮНЕСКОнинг Жаҳон таълим мониторинги ҳисоботида кўра, Германияда қочоқларнинг таълим олиш имконияти юқори даражада йўлган қўйилганлиги таъкидланган. Ижобий жиҳати бошқа мамлакатлардан келган мигрантларнинг тил малакасини оширишга қаратилган тадбирлари ҳисобланади. Германия олий ўқув юртларида тўлов контактларини тўлаш учун давлат томонидан ссудалар ажратилади.

Германия олий таълим тизими қочоқлар учун турли хил таълим имкониятларини таклиф этади. Масалан, 2016-2019 йиллар оралиғида Германия олий таълим вазирлиги Германиядаги университетларда қочоқлар таълимини субсидиялаш учун ҳар йили тахминан 100 миллион евро ажратади.

2016 йилдан бошлаб, ушбу субсидияни олиш бўйича Германияда вақтинчалик истиқомат қилаётган хорижлик талабалар ва депортация муддати кечиктирилган ёки гумманитар сабабларга кўра рухсатга эга бўлган (бунга Германияда 15 ойдан ортиқ вақт давомида истиқомат қилаётган) хорижликлар ҳам киритилган[6].

Расмий равишда Германияда тенг имкониятлар ва шароитлар яратилган деб ҳисоблаш мумкин. Аммо, амалиётда хорижлик мутахассислар айрим кийинчиликларга дуч келишмоқда, хусусан Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган давлатлар Олий ўқув юртлари дипломларини тўлиқ ёки қисман тан олмаслик ҳисобланади[7].

Германияга келган кўплаб чет эллик фуқаролар ўз малакаларини тасдиқлашга ёки кейинги имтиҳонлар билан қўшимча тайёргарликдан ўтишга мажбурдирлар.

2004 йил 30 июльдаги “Чет элликларнинг Германия Федератив Республикаси ҳудудида бўлиш, ишга жойлашиш ва интеграциялашуви тартиби тўғрисида” ги Қонунни қабул қилиниши натижасида киритилган янгиликлардан бири, мамлакатда иш қидириш мақсадида чекланган муддатга (180 кун) ва немис тилини билиш ҳамда яшаш ҳаражатларини молиялаштириш шarti билан рухсат берилиши белгиланган.

Иккинчидан, иш берувчи томонидан бўш вакансияларга учинчи давлатлардан номзодларни кўриб чиқишда бирламчи Германия ёки Европа Иттифоқи фуқаролари орасидан танлаш тартиби бекор қилинди.

Қонун мажбурий тартибда чиқариб юбориш имконияти мавжуд бўлмаган шахслардан ташқари, бошпана беришга рад этилган шахсларни меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартибини ҳам белгилайди.

Ушбу категориядаги шахсларга уларнинг оила аъзолари билан ҳамкорликда 2 йил муддатга яшашига ҳуқуқ берилмоқда.

Мажбурий шартларлардан бири бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир этилмаганлиги ва сўнги 18 ой давомида мунтазам равишда меҳнат фаолиятини (ҳафтасига камида 35 соат) амалга оширганлиги немис тилини билиши ва молиявий барқарорлик ҳамда депортацияси бир йил ёки ундан кўпроқ вақтга кечиктирилганлигининг исботи бўлиши.

Германида 2015-2016 йиллардаги юз берган воқеликлар контекстида қонун ҳужжатларида қочоқ мақомини бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва мамлакатда бўлиш учун рухсатномалар бериш тартибини

қатъийлаштиришга қаратилган қонунчиликда тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, “Чет элликларнинг Германия Федератив Республикаси ҳудудида бўлиш, ишга жойлашиш ва интеграциялашуви тартиби тўғрисида”ги (нем. «Asylpaket I») Қонунида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошпана бериш рад этилган шахсларга нисбатан имокниятлар кенгайтирилди (депортация қамоққа олиш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларига вақтинча жойлаштириш ҳуқуқи).

Шунингдек, “Қочоқлар мақомини олиш учун мурожаатни тезкорлик билан кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Қонунида қочоқларнинг мурожаатларини ваколатли органлар томонидан кўриб чиқиш муддатлари оралиғида вақтинчалик жойлаштириш марказларда бўлишлари имконияти берилди.

2016 йил мамалкатга кириб келган мигрантлар мурожаатларини кўриб чиқишнинг мураккаб шароитда қабул қилинган “Қочоқлар мақомини олиш учун мурожаатни тезкорлик билан кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Қонунда Германияда мажбурий депортация ёки кўчириш бўйича бирламчи жойлаштириш марказлари ҳудудида ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати (бир ҳафатагача) чеклаш белгиланди [8].

2016 йилнинг 6 август куни таълим ва меҳнат бозорига кириш қоидаларини тартибга солувчи “Мигрантлар интеграцияси тўғрисида”ги Қонун кучга кирди. Қонунинг асосий қоидаси депортация муддати кечиктирилган шахсларга тегишли бўлиб, унга асосан ўқишни давом эттириш ва мамлакатда 24 ой давомида қолиш ва яшаш учун ҳужжатни олиш имкониятини беради[9].

Қонунда ваколатли маҳкамаларга ушбу контингентни жойлашиш жойини белгилаш имконияти мустаҳкамланди.

Тадқиқотчи О.Ю. Потёмкина фикрига кўра, мазкур ҳужжатда федерал ҳукуматнинг талабига асосан, қочоқларнинг меҳнат бозорига кириш тартиби оптималлаштирилганлиги ва давлат томонидан амалга оширилаётган комплекс интеграция чораларидан четга чиқмаслигини таъкидлади[10].

2017 йил “Мажбурий депортация тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қонунига асосан (нем. «Asylpaket III»), мамалакатда бўлиш тартиби ва қочоқ мақомини олиш тартиби қатъийлаштирилди бунда (бирламчи жойлаштириш марказлари ҳудудида бўлиш муддати 24 ойгача белгиланиб, шахсларнинг ҳаракатланиш тартиби видео назорат остида бўлиши белгиланди).

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таъкидлаб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, сўнги йилларда Германияда миграция жараёнларини тартибга солишга қартилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари такомиллашиб бораётганлиги ва унда асосан тақиқловчи нормалар, хусусан учинчи мамлакатлардан фуқароларни келиши ва бўлиш ҳамда ишлаш тартибини белгилаб беришда ўз ифодасини топмоқда.

Иккинчидан, Германияда мигрантларни таълим олишлари ва касб малакаларига эга бўлишлари давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлиги тақсинга сазовордир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси ва Германия ўртасида меҳнат миграция тўғрисидаги ҳукуматлараро битмни имзолаш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу битмда, меҳнат мигрантларини немис тилини билиш даражаси ва касб ҳунар ўқув курслари Германия таълим стандартлари асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тассаруфидаги мономарказларда ташкил этиш ва битирув малакавий имтиҳонларни немис профессор ўқитувчилари томонидан баҳоланиши, тил сертификати ва касб ҳунар курси тамомлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат Германия ҳудудида сўзсиз тан олиниш тартиби киритилиши муҳим ҳисобланади.

Тўртинчидан, Германияда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигини ваколатхонасини очиш ва уларга потенциал иш берувчиларни излаб топиш уларнинг рейтинг базасини шакиллантириш ва уни юритиш ҳамда уларнинг вакилларини Ўзбекистонда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги билан ҳамколикда потенциал иш изловчиларни танлаш жараёнини доимий тарзда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, Германиянинг нуфузли олий ўқув юртлар филиалини Ўзбекистонда очиш ва улар томонидан тайёрланадиган мутахассиларни Германия корхоналарида иш билан таъминлаш бўйича шартномаларни имзолаш зарур.

REFERENCES

1. <https://eulaw.edu.ru/spisok-dokumentov-po-pravu-evropejskogo-soyuza/dokumenty-o-pravah-cheloveka-i-grazhdanina/normativnye-akty-o-svobode-peredvizheniya-tovarov-lits-i-uslug/direktiva-2009-50> (Мурожаат этиш муддати – 22.05.2022).

2. Директива 2009/52/ЕС Европейского парламента и Совета от 18 июня 2009 г. об установлении минимальных стандартов в отношении санкций и мер к работодателям незаконно пребывающих граждан третьих стран.
3. Directive 2004/38/EC of the European Parliament and of the Council of 29 April 2004 on the right of citizens of the Union and their family members to move and reside freely within the territory of the Member States amending Regulation (EEC) No 1612/68 and repealing Directives 64/221/EEC, 68/360/EEC, 72/194/EEC, 73/148/EEC, 75/34/EEC, 75/35/EEC, 90/364/EEC, 90/365/EEC and 93/96/EEC (Text with EEA relevance)Text with EEA relevance <https://eur-lex.europa.eu/eli/dir/2004/38/2011-06-16#M1-1> (Мурожаат этиш муддати – 22.03.2022).
4. Das Auslaendergesetz der Bundesrepublik Deutschland 1965 https://fluechtlingsrat-berlin.de/wp-content/uploads/AuslG_1965.pdf (Мурожаат этиш муддати: 06.05.2022).
5. Lochner S. Integrationskurse als Motor für gesellschaftlichen Zusammenhalt. Interethnische Kontakte und nationale Verbundenheit von MigrantInnen in Deutschland – Budrich UniPress Ltd., Opladen Berlin Toronto, 2016. S. 43. <https://www.beck-shop.de/lochner-integrationskurse-motor-gesellschaftlichen-zusammenhalt/product/16272916> (Мурожаат этиш муддати: 29.05.2022).
6. Die Bundesregierung. FAQ-Fluechtlings und Asylpolitik. Was bekommen Fluechtlinge [Электронный ресурс]. – URL: <https://www.bundesregierung.de/Content/DE/Lexikon/FAQ-Fluechtlings-Asylpolitik/2-wasbekommen-fluechtlinge/12-Studium.html> (Мурожаат этиш муддати: 17.05.2022).
7. Specht F. Fachkraefte wollen nach Deutschland – scheitern aber haeufig an buerokratischen Huerden [Электронный ресурс]. – URL: <https://www.handelsblatt.com/politik/deutschland/zuwanderung-achkraeftewollen-nach-deutschland-scheitern-aber-haeufig-an-buerokratischen-huerden/25338982.html?ticket=ST37758107-CQYwtAJmvwEcmCoAlgE0-ap1> (Мурожаат этиш муддати: 18.05.2022).
8. Aenderungen des Asyl- und Aufenthaltsrechts seit Januar 2015 mit den Schwerpunkten Asylpaket I und II [Электронный ресурс]. – URL: <https://www.bundestag.de/resource/blob/424122/05b7770e5d14f459072c61c98ce01672/wd-3-018-16-pdf-data.pdf> (Мурожаат этиш муддати: 30.05.20202)

-
9. Integrationsgesetz 2016 [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.buzer.de/gesetz/12155/index.htm> (Мурожаат этиш муддати: 30.05.2022).
10. Потемкина О.Ю. Сирийские беженцы в Европе [Электронный ресурс] // Научно-аналитический вестник Института Европы РАН. 2019. № 3 (9). С. 48-54. <http://vestnikieran.instituteofeurope.ru/images/Potemkina320191.pdf> (Мурожаат этиш муддати: 05.01.2020).